



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

O'zingni angla!

2016-yil 21-sentyabr, chorshanba * № 38 (997) * 1996-yil dekabr dan chiqra boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК, ОМОНЛИК КЕРАКИ

Давлатлар ўртасидаги низолар, фуқаролар уруши, маданиятлар, этник оқдлар тўқнашуви туфайли мамлакатлардаги зиддиятлар, меҳнат тақсимотидаги нотенглик, ишсизлик, нотинчлик ва бошқа кўплаб омиллар сабаб миграция кучаймоқда.



⇒ 5-бет

ИККИ ЁШНИНГ БАХТИ

Ҳаёт синовлари шундай. Уларга бардош берган, ҳаёт муаммоларини ақл-фаросат билан ҳал қилган, эрхотин бири-бирини ардоқлаган оила яйраб-яшнаб ҳаёт кечиради, бахти бардавом бўлади.



⇒ 6-7-бет

СИЗГА ОЛҚИШ, СИЗГА ШОН!

Паралимпиада ўйинларида спортчиларимиз учинчи марта иштирок этганлигини ҳисобга олсак, уларнинг бу натижасини чинакам жасорат дейишимиз мумкин.



⇒ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 71-сессияси мажлиси Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовни ёд этиш маросими билан бошланди.

19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёев "Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган xv ёзги паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларини пул мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида"ги Фармойишни имзолади.

14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини имзолади ва у матбуотда эълон қилинди.

16 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини имзолади ва у матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазир Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 16 сентябрь куни Жиззах вилоятига ташриф буюрди.

19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини имзолади ва у матбуотда эълон қилинди.



«HURRIYAT» газетаси Ўзбекистон қаёву йуллари миллий авиаконаняси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



► 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Ҳар бир дарси янгиликка йўғрилган

Жамолддин Нурмухаммадов бугунги дарс мавзусига оид материаллар тўпламига мурожаат қилди. Мавзуга тааллуқли слайдлар, аудио овозли постановка, видеофильм, асарнинг ифодали ўқилган тўлиқ варианты ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди.

Орқа партада ўтирган Миразиз савол берди: «Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» асари бугунги кунда қандай аҳамиятга эга?» — Асар ўзининг инсонпарварлик, меҳнатсевар-

лик, халқлар ўртасидаги дўстликни улуғлаш, соф ва самимий муҳаббатни ардоқлаш каби долзарб ғоялари туфайли ҳар доим муҳим аҳамият касб этади, — дейди ўқитувчи. — Бу асарни мукамал ўқиб чи-

қиб, ундаги юксак ғоявийлик ва беқисс бадииятдан баҳраманд бўлиш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Доскада «Фарҳод ва Ширин» фильмидан парча намойиш этилади. Ундаги қизиқарли сюжетлар

Ўқувчилар ҳайратини янада оширади. Синфда жимлик ҳукмрон. Дарс янада қизиқарли тус олади. Энди дарсининг назарий қисмига навбат...

...Она тили ва адабиёт ўқитувчиси Жамолддин Нурмухаммадов замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш дарсни жонли ва мароқли қилишига ишонади.

— Биз ҳозир ахборот воситалари ривожланган, глобаллашув даврида яшаймиз. Ҳар кун янгилиги ихтиролардан хабардор бўлиб турмасангиз, ўқувчи сиздан олдин маълумотлар топиб, илдамлаб кетади, — дейди Ж.Нурмухаммадов.

— Бу жараёнда ўқитувчидан ўта зийраклик, интилиш ва ташаббускорлик талаб этилади. Ҳар дарсага бир янгилик билан киришга ҳаракат қиламан. Бунга ўқувчиларим ҳам ўрганиб қолишган. Машғулотларимда «тармоқлаш», «занжир», «давра суҳбати», «билиб олдим, билишни хоҳлайман» каби интерфаол усуллардан унумли фойдаланаман. Ўқувчилар бир-бирини тинглай олиш, берилган вазифани мустақил баён қилиш, гуруҳдошларини баҳолай олишни ўрганади. Утилган мавзу юзасидан ўқувчиларга дарсликдан ташқари топшириқ бериш уларни ўз устида ишлашга ундайди.

Ташаббускорлик, янгиликка интилиш, ижод ва изланишни ҳаётнинг мазмунига айлантирган ёш педагог Ж.Нурмухаммадов Қашқадарё вилоятининг Яқкабғо туманида туғилган.

3

ННТ ва ОАВ учун яна бир имконият

ёки давлат гранти ва ижтимоий буюртмаси учун қўшимча танловлар ўтказилади

► Кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган тараққиётнинг «Ўзбек модели»га асосланган демократик ислохотларни амалга ошириш жараёнида кучли ва адолатли фуқаролик жамияти шакллантирилди ва у изчил ривожлантирилмоқда. Ана шу қисқа тарихий даврда, кенг халқ оммасига чуқур сингиб борган миллий-анаънавий фуқаролик институтлари қайта тикланди.

Шу билан бирга, замонавий фуқаролик жамиятининг барча институтларини ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий шароитлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида эса ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг лойиҳа ва дастурларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг ноёб институти фаолият юритяпти.

қари, давлат ижтимоий буюртмалари шаклида 2,3 миллиард сўмлик 13 та лойиҳа молиялаштирилган.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йўналиши бўлиб ўтди. Унда парламент комиссияси аъзолари, ижтимоий шериклик субъектлари, ижроия ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Йўналишда 5-, 6- давлат грант танловларига нодавлат-нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг лойиҳа ва дастурларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ҳар йили турли мавзуларда қўллаб-дават грантлари, ижтимо-

ий буюртмалар бўйича танловлар ўтказиб келинмоқда. Жорий 2016 йилда тасдиқланган иш режасига асосан 7 та, шу жумладан, давлат ижтимоий буюртмаси тақдим этиш ва давлат грантлари ажратиш бўйича 6 та танлов ўтказилган. Давлат гранти тан-

ловлари натижаларига кўра муҳим умумижтимоий ва социал аҳамиятга молик бўлган 214 та лойиҳа қўллаб-қувватланди ҳамда давлат гранти шаклида давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан 5 миллиард 230 миллион сўм ажратилди. Бундан таш-

Хуррамли душтарылар.

2017 йил учун «HURRIYAT» газетасига обуна ишлари бошланди. Газетамизга обуна бўлмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳаёда этинг. Бундан ташқари, «Hurriyat» да чоп этилган материаллар билан www.uzhurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.

«HURRIYAT» ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ҚИЛДИ

► Сайлов — 2016

2016 йил 20 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этди.



Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссиясида комиссия аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида тадбир ташкил этилди. Унда Президент сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шакли ҳисобланиши таъкидланди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадир.

Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланган кундан камидан олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин. Мазкур қонуннинг 24-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камидан етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзолаган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси, Ўзбе-

кистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномани берди.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида уziel-кесил қарор қабул қилади. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш навбатига қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

ЎЗА

ТАДБИРКОРЛИКДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИНГ ЎРНИ

ННТ ва ОАВ учун яна бир ИМКОНИЯТ ёки давлат гранти ва ижтимоий бююртмаси учун қўшимча танловлар ўтказилади

Тараққиёт

Мамлакатимизда иқтисодийни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.


Утган 25 йил ичида иқтисодий соҳасида 500 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган бўлса, уларнинг асосий қисми мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилди.

Конституция даражасида тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шакллари тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланди. Шунингдек, хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, қулай ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Электрон ҳуқуқ тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Шунингдек, мамлакатимизда электрон тижоратни ривожлантириш ва иқтисодийни ахборотлаштириш жараёнига мослаштириш мақсадида бир қатор Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, электрон тижорат бозори ҳуқуқий механизми таъминлашиб бормоқда.

Маълумки, электрон тижоратнинг технологик асосини ахборот коммуникация технологиялари ташкил этади. Шу ўринда қайд этиш кераки, бугунги кунда мамлакатимизни рақамлаштириш

даражаси юз фоизни ташкил этиб, йил сайин тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг компьютер билан таъминланганлик даражаси, интернет тармоғида абонентлар



сонини, шаҳар ва қишлоқлари рақамлаштиришнинг умумий интернет қамрови ошириб бормоқда. Айниқса, "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниб, унда замонвий ҳуқуқий муносабатларнинг белгиланганлиги тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятида ахборот ва коммуникация технологияларидан янада самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлиши.

Хусусан, қонун билан тадбиркорлик субъектларининг электрон тижоратда фаолиятини амалга ошириш эркинлиги, шартномалар тузишнинг ихтиёрлиги, иштирокдаги бир қатор Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, электрон тижорат бозори ҳуқуқий механизми таъминлашиб бормоқда.

Шунингдек, электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

сифатида электрон тижорат соҳасида амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, электрон тижорат воситасида амалга оширилаётган тадбиркорлик соҳасига инвестициялар, замонавий технологиялар ва жиҳозларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларини уларнинг электрон тижорат соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техникавий ва бошқа ахборот билан таъминлаш, электрон тижорат соҳасидаги илмий-

этиш каби вазифаларнинг амалга оширилишида муҳим ўрин тутди.

Қонун билан электрон тижоратдаги электрон ҳужжатлар, шунингдек электрон шаклда қайд этилган, юборувчисини идентификация қилиш имкониятини берадиган ахборот ўз қўли билан имзоланган қоғоздаги ҳужжатларга тенглаштирилиши ва улардан битимлар тузилганлигининг далили сифатида фойдаланилиши мумкинлиги қатъий норма сифатида белгиланди. Бу эса, тадбиркорларни фаолиятининг ҳар қандай босқичида ахборот ва коммуникация технологияларидан фой-

жалб қилиш ҳисобига даромадларни ошириш, таннархни камайтириш, товар ҳаракати жараёнини қисқартириш, хизматлар сифатини яхшилашга эришишлари мумкин.

Қонун қабул қилиниши билан электрон тижоратнинг келгусидаги истиқболи билан боғлиқ ҳуқуқий асосларни таъминлаштириш борасида бир қатор амалий тадбирлар ҳам амалга оширилди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги 353-қарори билан "2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш" концепцияси тасдиқланди.

Концепциянинг асосий вазифалари сифатида электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини таъминлаштириш, келгусида ушбу бизнес-сегментда ривожланган мамлакатларга яқинлашган даражага эришишни назарда тутган ҳолда электрон тижорат соҳасида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, электрон тижорат инфратузилмасини, шу жумладан телекоммуникациялар тармоғини янада ривожлантириш ва модернизациялаш, товар айланмасини, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, истеъмол бозори талабига мувофиқ ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, интеграциялаштирилган савдо ва маркетинг платформаларини, интернет-магазинларни, янада таъминлаштирилган тўлов тизимларини, шунингдек электрон тижоратда логистика тизимини яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, халқаро стандартларга йўналтирилган ҳолда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва электрон тижорат соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш, таҳлил қилиш ва қўллаш белгиланди.

Бугунги кунда ЎзЛИДЕП фаоллари томонидан сайловчилар ўртасида мазкур соҳани ривожлантириш бўйича тушунириш ишлари олиб борилиб, соҳа учун ахборот технологиялари ва тижорат ишларидан боғабар мутахассисларни тайёрлаш, маркетинг ишлари сифатини ошириш, товарларни харидорларга етказиб бериш механизмларини ривожлантириш бўйича батафсил маълумотлар берилмоқда.

Айни пайтда, электрон тижорат бизнес юритишнинг энг замонвий усули бўлиб, унинг ёрдамида тадбиркорлар қўшимча буюртмачиларни

даланиб, электрон шаклда амалга ошириш имконига эга бўлиши.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг истиқболини таъминлашда "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонунда белгилаб берилган кафолатлардан тўлиқ фойдаланиши ва ривожлантириши мумкин.


Гулназа ХУДОЁРОВА,
Бекзод ОРТИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

Жобир Хўжақулов
тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

«ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатда кучли фуқаролик жамиятини барқарор ривожлантиришни таъминлашга ва ижтимоий шерикликни янада рағбатлантиришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзусида

ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун қўшимча танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. «Ҳоҳиш қилиш, ҳақорат қилиш маърифат билан» шiori остида маҳаллаларда, айниқса ёшлар орасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада мустаҳкамлашда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини юксалтириш;
2. Ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлаш, айниқса уюшмаган ва тарбияси мумкин бўлмаган ёшлар ўртасида турли йўналиш ва мавзуларда, хусусан, «Мен Ватанимни севаман», «Жамиятда менинг ўрним бор» мавзусида туркум тадбирлар ўтказиш;
3. Халқ таълими бўлими ва бошқармалари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар билан ижтимоий шерикликда Асосий Қонуннинг мазмун ва моҳиятини тушунириб беришга қаратилган маърифий-тарғибот ишларини ташкил этиш, «Мен Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганаман» шiori остида турли кўргазмали материаллар тайёрлаш ва тарқатиш;
4. Маданият ва спорт муассасалари билан шерикликда ёшлар ўртасида халқ спортини ўйинларини омдалаштириш, ёшларнинг бўш вақтларини маданий ташкил этиш, қишлоқ қизларини бадий гимнастика ва спортга кенг жалб қилиш;
5. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ижтимоий шерикликни кучайтириш, уларни Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига ёт ғоялардан асраш;
6. Қишлоқ жойларида чет тилларни, Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг маданиятини, санъатини ва алабиётини ўрганишда миллий-маданий марказлар,

7. Эрта ва яқин қариндошлар ўртасида никоҳнинг салбий оқибатларидан ахборот бериш кўргазмали материалларни маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликда тайёрлаш ва тарқатиш, аҳоли кенг қатламлари орасида тушунириш ишларини кучайтириш;
8. Жойлардаги маҳаллий давлат органларига аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжман қатламлари аёллар, ёшлар ва ногиронларнинг доимий бандлигини таъминлашга, уларни халқ хунармандчилиги тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш, оилавий бизнес ва тадбиркорликнинг турли шаклларида жалб қилишга кўмаклаштириш;
9. Аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлашда жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари фаолиятига кўмак кўрсатиш;
10. Савдо-саноат палатаси, бизнес субъектлари ва молия институтлари билан ҳамкорликда чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш технологияларини жорий этиш, маҳаллар ободлигини, аҳоли бандлигини ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш;
11. Соғлиқни сақлаш муассасалари билан ижтимоий шерикликда юқумли касалликлар профилактикаси тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб этиш;
12. Меҳнат мигрантларининг оила аъзоларига тиббий кўриқдан ўттириш зарурлигини кенг тушунириш, уларга ижтимоий-психологик ва тиббий-гуманитар хизматлар кўрсатиш ҳамда бандлигини таъминлаш борасида маҳаллий ижроия органлари билан ҳам-

- корликда режа ва дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;
13. Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий барқарорликни, тинчлик ва оқойишликни, миллатлараро ва динлараро баргиренгликни таъминлаш борасида ижтимоий шерикликни кучайтириш;
14. Ёшларнинг тиббий-экологик ва ижтимоий-маънавий маданиятини юксалтиришда ННТ ва ОАВ ўртасида ҳамкорликни кучайтириш;
15. Демократик ислохотлар натижасининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида аҳоли ва жаҳон жамоатчилигини кенг қўлама хабардор қилиш, жамиятда бунёдкорлик, яратувчанлик ва эртанги кунга ишонч муҳитини мустаҳкамлаш;
16. Босма ОАВ ва ААларни материалларнинг профессионал, мафкуравий ва бадий даражасини ошириш;
17. Мустақил босма ОАВ ва ААларнинг фуқароларнинг, айниқса жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг таянчи ва ҳал этувчи кучи сифатида ёшларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий онига ижобий таъсирини кучайтириш;
18. Мустақил босма ОАВ ва ААларнинг ёш журналист ва техник ходимларини маҳорати ва ижодий фаоллигини юксалтириш;
19. Очiq фуқаролик жамиятини барпо этишда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва ифода этишда ОАВларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш;
20. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилни амалга оширишнинг зарурий шарт сифатида фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш.

- Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:
1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
 2. www.fundngo.uz сайтыда жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
 3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низомини) нусхаси;
 4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ғувоҳнома нусхаси;
 5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
 6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.
- Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.
- Ҳужжатлар 2016 йил 20 сентябрдан 20 октябргача қабул қилинади.
- Ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондини» мавзусида «Ўзбекистон почтаси» орқали юборилган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.
- Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
- Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК, ОМОНЛИК КЕРАК!

► ШАРХ ЎРНИДА

Болалар майдончасида бошланган кизик ўйиннинг гувоҳи бўлиб қолдим. Ўзининг “жанговар” танки билан қумдан ясалган дўнгликларни бирма-бир босиб, тўзғитиб келаётган боладан икки ўртоғининг жаҳли чиқди:

— Э, ҳали “агон” деганим йўқ-ку, йўқол, территориямдан чиқ! — деди улардан бири.

Иккинчисининг сўзидан янаям ҳайратда қолдим:

— Сен жангари экансан, сени қўшмаймиз...



БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) яқинда берган маълумотга кўра, ҳозир дунёда 50 миллион бола қаровис. 28 миллион воёта етмаган ҳудуддаги зиддиятлар туфайли ўз уйдан қочиб кетган бўлса, шундан 10 миллиони қочоқ, 17 миллиони ички мигрантлар. Бир миллиондан зиёд боланинг эса тақдирини ҳозирча номаълум. Яна 20 миллион нафар инжироз инкчинчи жаҳон урушидан кейинги энг йирик инжироз, дея тан олди. Буларнинг баридан энг кўп азият чекаётган ким, албатта, беғуноҳ, норасида гўдаклар! Қаровисиз, ўта ночор, ташландик чикиндихоналардан егулик излаб толиққан, чинқирган, бир-бирига суяниб кўча-кўйда қолган болаларнинг суратлари интернет сайтларида бутун бир галерея қилиб берилди. Булар қаторида кўзларидан ёш билан суратта олаётган аёл тасвири ҳам бор эди. Ушбу суратларни кўрган ҳар қандай дийдаси қаттиқ одам ҳам ана шу аёл сингари кўз ёшларини тийилмайди. Катталарнинг чиркин режиси учун товуни тулаётган бу гўдакларнинг гуноҳи нима? Уларнинг тақдирини ким ўйлайди? Инсоният бошидан кечирган икки минг йиллик тарих бехуда қон тўкишдан ҳеч наф йўқлигини кўрсатиб бермаганми? Уруш истовчи бир гуруҳ ёвуз ниъти кимсаларга шуни англатишга қодир давлаткор куч қачон майдонга чиқди?

Ҳаликилар ичида қалкиб турган шу кунларда халқимизни истибоддан истиқболга, истиқлолга олиб чиққан улуг ўйлушчининг қуйидаги сўзлари жароҳатга қўйилган баҳамдек зарур:

“БИЗГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК!

Холида ФАЙЗИЕВА

Ҳаликилар ичида қалкиб турган шу кунларда халқимизни истибоддан истиқболга, истиқлолга олиб чиққан улуг ўйлушчининг қуйидаги сўзлари жароҳатга қўйилган баҳамдек зарур:

“БИЗГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК!

Холида ФАЙЗИЕВА

► БУ ТУРФА ОЛАМ

Одамларнинг ҳар учдан бири ҳасадгўй...ми?

Карлос III номидаги Мадрид университети тадқиқотчиларнинг фикрича, инсонлар — бахил (гайир)лар, оптимистлар, пессимистлар ва ишонувчан шахсларга бўливар экан.



Олимлар тажриба учун 541 кишини турли ижтимоий вазиятларда синовдан ўтказди. Бунда ҳар бир қатнашчининг шахсий қизиқишлари ва бутун гуруҳ қизиқиши ҳисобга олинди. Натижалар компьютер алгоритми ёрдамида таҳлил қилинди.

Тадқиқот қатнашчиларнинг 90 фоизи характер хусусиятларини маълум қилди: оптимист, пессимист ва ишонувчанлар 20 фоиздан 60 фоизни ташкил этган бўлса, улардан 30 фоизи бахиллар бўлиб чиқди. Буни қарангки, одамлар орасида ҳасадгўйлар кўпроқ экан. 10 фоиз қатнашчининг хусусиятлари номаълум қолмоқда. Ким билари, балки улар бўқалмаунлардир.

Олимлар инсон шахсини бу йўсинда гуруҳларга бўлиб ўрганиш илк бор амалга оширилганини қайд этишмоқда.

Ёш кашфиётчининг ихтироси

Лафборо университети талабаси Уилл Бродвей даярлик барча шароитларда фойдаланиш мумкин бўлган портатив курилма ихтиро қилди. Олимларнинг фикрича, курилма-нинг асосий фойдали жиҳати дори воситаларини зарур ҳароратда сақлаш имкониятидир.



Британиялик 22 ёшли талаба яратган ушбу мобил суовуттич 30 кун давомиди Цельсий шкаласи бўйича иккидан саккизгача бўлган муқобил ҳароратни кўтара олади. Курилма бугун қашшоқлик ва можаролар авж олган мамлакатларда янада кўпроқ асқотлади. Ихтирочининг ҳисоби бўйича, мобил суовуттич йилга 1,5 миллиондан ортқ инсон ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Ҳозирча мобил суовуттич фақат вақциналарни ташин учун ишлатилади. Бироқ ёш кашфиётчи айрим ўзгаришлар технология имкониятларини кенгайтиришига ишонч билдиришмоқда.

— Мен доим инсонларга зарур бўладиган буюмни яратишни оруз қилганим, — дейди у. — Мана, менда шу имкон тугилди. Трансплантация учун донорлик қонлари, тана аъзолари — буларнинг барчаси узок мудатгача суовут ҳароратда сақлаб бўлмайдиган суовуттич пакетлар ёрдамида олиб келинади. Менинг суовуттичим бу ва бошқа муаммоларга ечим топади.

Уилл яратган ихтироси учун бутун дунё ихтирочилари билан яна бир омилини кўрсатиб берди.

Узок умр кўришинг яна бир омили

Италиялик олимлар инсон умрини узайтирувчи янги омилни аниқлашди. Бу қондаги модала алмашинувнинг меъёри билан боғлиқ экан.



Олимлар бунга узок умр кўрганлар ҳаётини кузатиш орқали амин бўлишди. Уртача ёш 92 ҳисобида тадқиқотда қатнашганларнинг организмиди органларнинг қон билан таъминланиши худди ўзларидан 30 ёш кичикларники каби эди. Мутахассислар бунга қондаги адреномедуллин гормонининг паст даражада экани сабаб бўлаётганини аниқлашди. Ушбу пептиднинг юқори даражада бўлиши эса модала алмашинуви ва қон босимининг меъёри ҳамда қон томирлар ҳолатига салбий таъсир этади, дейишмоқда тадқиқотчилар.

Узок умр кўриш асосан генетик мойиллик, жисмоний фаоллик ҳамда тўғри овқатланиш тартибига боғлиқ, деб қаралар эди. Янги тадқиқот буларга қўшимча яна бир омилини кўрсатиб берди.

Ёввойи асаларилар нега камаймоқда?

Табиатдаги ҳар бир жонзот бежиз яратилмаган. Ҳар бирнинг ўз вазифаси бор. Бу ўрнида биргина асаларининг ҳам табиат, ҳам инсон учун қанчалик муҳим аҳамият касб этишини ёдга олиш кифоя. Ёввойи асаларининг камайиб ёки йўқолиб кетиши бир қанча муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.



Британиялик олимлар мамлакатда ана шу ҳашаротларнинг камайиши сабабини аниқлашди. Бунга асосан рапс ўсимлиги, яъни уни экишдан аввал урунга ишлов бериш учун қўлланалган никотинлар оиласига мансуб дориворлар сабаб бўлаётган экан. Олимларнинг фикрича, ушбу дориворлар фойдаланиш ёввойи асалариларни уч баробарга камайтириб юборган.

Мутахассислар 1994-2011 йиллар оралигиндаги 62 хил ёввойи асалари сонига юзга келган ўзгаришни кузатиш орқали юқоридаги хулосага келишди. Айнан ана шу даврда мамлакат ерларида никотинлар оиласига мансуб дориворлар кенг қўламда жорий қилинган. Олимлар ушбу асосий сабабдан ташқари, ёввойи асалариларнинг камайишига касаллик кўзгатувчилар, глобал иш ҳамда табиий яшаш жойини йўқотиш ҳам сабаб бўлаётганини қайд этишди.

Қушчиқар мамлакатини ажойиб урф-одатлари

Сайёрамизнинг бетакдор гузалликларидан баҳраманд бўлишни истаган сайёҳларга маъқул келувчи мамлакатлардан бири бу — Япония. Шу боис бугунга келиб самурайлар юрти дунёнинг энг машҳур давлатларидан бири ҳисобланади.



► ЖУГРОФИЙ САЁХАТ



Ҳуш, кўпчиликини ҳайратга солган Япониянинг ўзига хос жиҳати нима? Кимнидир унинг минг йиллик тарихга эга ноёб маданияти жалб этса, ана кимнидир осмонўпар бинолари, ро-

бототехника ва футуристтик транспорт воситалари қизиқтиради. Шунингдек, бу ернинг аҳолиси ўзининг анъанау урф-одатларига содиқ.

Бунга қарангки, меҳнатсевар японлар учун меҳнат таътили деган тушунча мутлоқ беғона, ҳатто кўп ҳолларда улар туни билан ишлашар экан. Этника қоидаларига қатъий амал қилувчи японлар билан эҳтиёткорроқ муомала қилиш зарур. Овозингиздаги бир оз баланд парда ҳам маҳаллий аҳоли ўртасида норозилик туғдириши ҳеч гап эмас. Улар қайғули хабарга ҳам кулгу билан жавоб қайтаришади. Узок сукунат эса японларнинг ҳурмат-эҳтирomidан далолат берадир экан. Яна бир қизиқарли маълумот: японлар 4 сонини ёқти-

ришмас экан. Улар учун “4” — энг омадсиз рақам. Нега деса-нигиз, иероглиф ёзувида “ўлим” сўзи айнан шу рақам остида туради. Шу сабабли, хош шифохона, хош мактаб ёки бирор ташкилотдаги хона бўлмасин мазкур рақам мутлоқ ишлатилмайди.

Албатта, ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий таомлари мавжуд. Японияда энг арзон махсулотни биласизми дейишса, кўпчиликнинг жавоби денгиз махсулотлари бўлиши аниқ. Бироқ энг қиммати-чи? Бу мева ва қовун экан. Масалан, сиз шафтолининг айрим турларини донасига 5 доллардан сотиб олишингиз мумкин. Гарвоз ва қовуннинг баъзи навларини эса килосига 1000 доллардан харид қилишингизга тўғри келади. Хитойликлардан фарқи улароқ японлар зирворларни кам истеъмол қилишади. Қолаверса, улар сушини ҳам жуда кам миқдорда ейишади. Улар бу таомни урамаки, футомаки, ниғиридзу-сина каби номларда аташади. Шу вақтгача Японияда гўшт махсулотларидан (балиқдан бўлак) таомлар тайёрлаш тақиқланган экан. Аммо ҳозирда кўпгина ресторанларда мол ва чўчқа гўштидан дунёдаги энг мазази овқатлар қилинади.

Японларнинг урф-одатлари орасида бизни ҳайратга солидиганларидан яна бири: юзидан табалассум аримайдиган японларда

бирорта ҳам латифа йўқ экан. Ҳа, бунга тасаввур қилиш қийин. Аммо, шунга қарамай улар ҳазилини жуда яхши қабул қилишади.

Сизда ташриф қозғо борми? Йўқ бўлса, Японияга саёҳат қилишдан аввал, албатта, унга эга бўлинг. Сабаби, японларда бу нарса жуда уят ҳисобланади. Шу боис, улар ҳатто чўмилиш ҳавзаларига борганда ҳам ташриф қозғо солинган махсус сумкаларини олиб юришади.

Энг гаройиб удуми сиз япон мактабларида учратишингиз мумкин. Йигит ва қизлар маълум ёшга етмагунларига қалар ўзаро суҳбатлашишлари мумкин эмас. Сўнгги йилларда қизларнинг формаси кемақалларининг кийимлик бўлса, йигитлар эса кўп ҳолларда қизлар учун тикилган махсус либосларни кийишади. Сабаби, у йигитлар формасига нисбатан анча кулай ва ёрқинроқ ҳисобланади. Япон ўқувчилари мактабда якка-якка юришлари мумкин эмас. Бу атрофдагиларнинг фикрича, галати. Шу боис, ўқувчилар қанча гажум бўлиб юришса, японлар учун шунча яхши.

Ана шунақа! Қушчиқар мамлакатининг бизга маълум ва номаълум бўлган гаройиб урф-одатлари...

Нигина ҲАКИМОВА,
интернет манбалари асосида тайёрлади.

Интернет материаллари асосида Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

Машҳурлик тўлови

ВИДЕОФИЛЬМ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимовнинг "Баҳор қайтмайди" номли машҳур қиссасининг яратилганига қарийб ярим аср бўлмоқда. Асар асосида видеофильм ишланганига ҳам мана бу йил қирқ тўрт йил тўлай деб турибди. Муаллиф бу муҳаббат қиссасини қоғозга туширишда 28 ёшли ёш қаламқаш эди.



Эътибор қилинса, ёзувчи ўзига тендош деб ҳисоблаш мумкин бўлган йигит-қизларнинг ўзаро муносабатларини, маънавий-руҳий оламини бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан тасвирлаб беришни бош мақсад қилиб олгандек туюлади. Шундан бўлса керак, асар яратилганидан бери қайта-қайта чоп этилиб, китоб-хонларнинг янги авлоди шаклланаётгани амалда исбот қилиб келмоқда.

Қиссанинг бир неча бор қайта нашр этилиши ё видеофильмнинг суратта олинганидан бери экрандан тушмай, ҳар йили намойиш этилишининг асосий омилли — асарда ёшлар психологиясининг бекаму кўст ёритилиши, унда тирик қалбнинг адоғсиз қайғуси, ўзгача айтганда, асарда жонли, хом суг эмган бандаларнинг ҳаёт ва жамият мангишига мос, гоҳо қарши ҳаракат қилиши, ҳуллас, унда миллий нафосатнинг барқ уриб туриши билан изоҳланса, ажаб эмас. Асарнинг саҳна талқини, ўша ўтган аср 70-йилларидаги техник номукамалликка қарамай, эътироф этиш керак, ниҳоятда маромига етказиб суратта олинган. Саҳна асарининг юзага чиқишида актёрлар жамоаси ва уларнинг иттифоқлиги албатта муҳим рол ўйнаган. Бироқ бу саҳнавийликнинг туб моҳиятида қисса талқини беқиёс, сира оҳори туқилмайдиган миллий жозибаси, қаҳрамонларнинг ўзаро тўқнашуви, жонли ҳаёт тарзи яшарин турди. Бошқача айтганда, видеофильмнинг мислсиз муваффақияти илди-эътибори билан ёш ёзувчи Ўткир Хошимовнинг истезодига бориб тақалади.

Камина бу ўринда ёшларга видеотомошани кўриш билан чекланмай, асарни диққат билан тилганидек, режиссура талаби билан баъзи жойларидан маҳрум бўлиб қолади ва аксинча, баъзи ўринлари моҳир режиссёр томонидан қўшилиди. Бироқ бу каби катта ё кичик кашфиётлар асарнинг умумий савиясига, гоъий қўламага заррача бўлсин, соя ташламайди, балъақ, уни тўлдирди, бадий камолотнинг юқори босқичга кўтарилишига ўзига яраша ҳисса қўлади. Дейлик, асар бошида ёзувчи Алимардоннинг касали хуруж қилиб, уйқуна кетиши, алаҳи сираши, бехосият туш қўриши, тушида аллақандай от устида баланд қоялардан ҳам тепаликка учуши, кейин отнинг нимагадир қоқилиб, паства — қоронғу жарликка қараб шўнғини ва қаҳрамоннинг додлашини тасвирлайди. Биз бу ҳолини экранда кузатмай-миз. Муаллиф эса бош қаҳрамон турмуш тарзига сох беқиёс парвоз ва кўтилмаган даҳшатли инқироз шаклини шу кичик бир жумлага жо қилади.

Танқилчи дўстларимиз асар қаҳрамони унинг нутқидан келиб чиқиб баҳо бериш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бу фикрда жон бор, албатта. Биз қаҳрамоннинг бўй-басти, юз тузилиши, чандиги ё кўзойнаги

— Яъни, мандан ҳам. — Йўқ, Муҳаммад. Сиздан ҳеч қачон ажралмайман...

— Раҳмат, ака. Хайрлашдик. Бу воқеани унутиб ҳам юборган эканман. Гузарда турсам, бир машина ёнимга келиб тўхтади. Қарасам, таниш ҳайдовчи тушиб келаяпти. Кўришдик.

— Ака, уйингизга кетаётганим, — деди у мени бағрита босиб. — Сизнинг шарофатингиз билан набирали бўлдим. Аллоҳим дўбқоқина қизча ато этди.

— Увлингизга ё ота, ёки тога томонидан келин қилинг, — маслаҳат бердим у ўз орзу-ҳаваслари ҳақида сўз очганида.

— Биз анча фурсат қўришмай кетдик. Ордадан бир йилча ўтиб, каттагина илмий анжуманда дуч келиб қолдик.

— Бўлмади, — деди олма кўзига ёш олгудек бир алфозга тушиб. — Қудам ҳомиладор қизини ажратиб олиб кетди. Ордадан икки ой ўтиб, у ўғил кўрди... Аслида мақсадлари ҳам шундай экан, қизларини «оқлаб» олиш экан...

— Ёшқ қўлдан кўчибди, хафа бўлманг, — дедим тасалли бериб. Кейинчалик олма ўғлини уйлантирибди, деб эшитдим, энди она шаҳри Қўқондан келин туширипти. Янги оила бахтли, қўша фарзандли, ўғил ҳам, келин ҳам ишда эмиш.

— Яна бир ибратли мисол. Институтда бирга ўқиб, оила қурган турмуш ўртоғи автомобиль фалокатидан

— Тўпори, ёввойи-ку! Ҳали шу ҳайвон менинг ўлимга ота бўлиб юрибдим? Алимардон Муҳаммаднинг узоқ тоғ кўйидаги қишлоқлардан бирига кетишига, у ерда ишлагани мингдан-минг рози. Эҳтимол, бир-икки йил ўтса, кейин ярашиш имкони туғилар. Ноумид — шайтон. Адашган инсон сифатида Алимардон шундай умид билан яшашга ҳақли, эҳтимол, маҳкум эди. Бироқ ана шу «ҳайвон»нинг Муҳаммадга эр, ўғлига ота бўлишини у мутлақо кечира олмайди. Алаҳ-оқибат бутун кўргулик ва жаҳр-ситамларга ўзи айбдор эканини тан олади ва ўз тақдирига ўзи ҳукм чиқаради.

— Келганимда дедиларки, бу йигит кони зарар, Кетмағимдан охир айт, борми зарар, кетмоқдаман... Келганимда деганда шоир қарданлар келгани ҳақида эмас, балки дунёга келгани ҳақида, кетганимда деганда эса қачондир кетишини бадий тасвирлаган. Бошқа сўзлар эса изоҳга муҳтож эмас.

— Тўпори, ёввойи-ку! Ҳали шу ҳайвон менинг ўлимга ота бўлиб юрибдим? Алимардон Муҳаммаднинг узоқ тоғ кўйидаги қишлоқлардан бирига кетишига, у ерда ишлагани мингдан-минг рози. Эҳтимол, бир-икки йил ўтса, кейин ярашиш имкони туғилар. Ноумид — шайтон. Адашган инсон сифатида Алимардон шундай умид билан яшашга ҳақли, эҳтимол, маҳкум эди. Бироқ ана шу «ҳайвон»нинг Муҳаммадга эр, ўғлига ота бўлишини у мутлақо кечира олмайди. Алаҳ-оқибат бутун кўргулик ва жаҳр-ситамларга ўзи айбдор эканини тан олади ва ўз тақдирига ўзи ҳукм чиқаради.

— Келганимда дедиларки, бу йигит кони зарар, Кетмағимдан охир айт, борми зарар, кетмоқдаман... Келганимда деганда шоир қарданлар келгани ҳақида эмас, балки дунёга келгани ҳақида, кетганимда деганда эса қачондир кетишини бадий тасвирлаган. Бошқа сўзлар эса изоҳга муҳтож эмас.

Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ, филология фанлари номзоли

УЛУҒЛАР САБОҒИ Саховатли МОМО

Абул Ҳасан Мадоний ҳикоя қилади: “Ҳасан, Ҳусайн ва Абдуллоҳ ибн Жаъфар ҳаж қилиш учун йўлга отланди. Йўлда озуқалари тугаб, оч ва сувсиз қолишти. Чодир олдида ўтирган бир кекса аёл олдида ўтаётди, “Сувингиз борми?” деб сўради. Кампир “бор” деди. Улар туясини тўхтатишти. Момо чодир олдида турган эҳкисига ишора қилиб: “Эчкини солиб, сутини ичинлар”, деди. Улар шундай қилишти. Сутни ичиб бўлгач, кампирдан: “Ейишга бирор нарсангиз борми?” деб сўради. У: “Мана бу қўйдан бошқа нарса йўқ. Бировингиз уни сўйинг. Сизларга бирор нарса пишириб берай”, деди.

Шунда бири ўридан турди-да, қўйни сўйиб, терисини шилди. Момо қўй гўштидан таом тайёрлади. Улар маза қилиб ейишти. Чодирда дам олиб, йўлга чиқиш олдида кампирга: “Биз қурайшлиқлармиз, ҳажга кетаямиз, агар сов-саломат қайтсак, бизни излаб бординг, сизга яхшилик қиламиз”, деб жўнаб кетишти.

Аёл уйга қайтган эрига бўлган воқеани айтиб берди. Бундан чолнинг жаҳли чиқиб:

— Сенга вайл бўлсин. Ҳали сен нотаниш кишиларга қўйини сўйиб бердингми, уларни қурайшлик деясанми? — дея кампирни койиди.

Бироз вақт ўтгандан кейин иккови зарурат юзасидан Мадинага боришти. Шаҳар бозорига бир нарсани сотиб, пулига овқатланшти. Кампир шаҳар кўчаларидан ўтаётганида Ҳасан ибн Али ҳовлиси олдида ўтирган эди. У кампирни таниди ва гуломни қақриб келишга юборди. Кампир олдида келганида: “Мени танияпсизми?” деб сўради. “Йўқ” деди момо. У: “Мен Фалончиман, фалон куни меҳмонингиз бўлганман”, деди. Кампир: “Ота-онам сенга фидо бўлсин, сен ўшамисан?” деди. Ҳасан тасдиқлади. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, кампирга мингта қўй ва минг динор беришни буюрди. Шундан сўнг уни гуломига қўшиб, Ҳусайннинг олдига юборди. Ҳусайн кампирни таниб: “Акам сизга қанча нарса берди?” деб сўради. Кампир мингта қўй ва минг динор берганини айтди. Ҳусайн момога яна шунча нарса беришларини буюрди ва уни гуломига қўшиб, Абдуллоҳ ибн Жаъфар олдига юборди. Абдуллоҳ ҳам Ҳасан ва Ҳусайн қанча берганини сўради, кампир айтди. Абдуллоҳ кампирга икки баробар қилиб — икки мингта қўй ва икки минг динор беришни буюрди ва “Агар мандан бошлаганимда икковини ўзимга эргаштирдим” деди.

Момо эрининг олдига тўрт минг қўй ва тўрт минг динор билан қайтди.

Бобомурод ЭРАЛИ таржимаси (“Қадимдан ҳозиргача...” ҳикоятлар, ривоятлар, ҳикметлар китобидан)

БАХТИ

— Раҳмат, ака. Хайрлашдик. Бу воқеани унутиб ҳам юборган эканман. Гузарда турсам, бир машина ёнимга келиб тўхтади. Қарасам, таниш ҳайдовчи тушиб келаяпти. Кўришдик.

— Ака, уйингизга кетаётганим, — деди у мени бағрита босиб. — Сизнинг шарофатингиз билан набирали бўлдим. Аллоҳим дўбқоқина қизча ато этди.

— Увлингизга ё ота, ёки тога томонидан келин қилинг, — маслаҳат бердим у ўз орзу-ҳаваслари ҳақида сўз очганида.

— Биз анча фурсат қўришмай кетдик. Ордадан бир йилча ўтиб, каттагина илмий анжуманда дуч келиб қолдик.

— Бўлмади, — деди олма кўзига ёш олгудек бир алфозга тушиб. — Қудам ҳомиладор қизини ажратиб олиб кетди. Ордадан икки ой ўтиб, у ўғил кўрди... Аслида мақсадлари ҳам шундай экан, қизларини «оқлаб» олиш экан...

— Ёшқ қўлдан кўчибди, хафа бўлманг, — дедим тасалли бериб. Кейинчалик олма ўғлини уйлантирибди, деб эшитдим, энди она шаҳри Қўқондан келин туширипти. Янги оила бахтли, қўша фарзандли, ўғил ҳам, келин ҳам ишда эмиш.

Сўз ҳайрати

МУТОЛАА

Яқинда “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан чоп этилган салкам саккиз табоқли “Мувозанат бешиги” шеърлар тўпламини мутолаа қилгач, шоир Уста Очил Ҳазратнинг ўз овози, назмининг ўз шакли борлигини ҳис этдим.

Мазкур тўпламининг қисқача мазмунида жуда ҳаққоний қайд этилганидек, “Ушбу шеърларга инсон руҳияти манзаралари ва унинг оташин туйғулари сингдирилган. Шоир кўнглидаги тўқинлару тўфонлар, соғинчу иштироқ, армону муҳаббат чизгиларини кўрасиз ва унинг ўзига хос талқинидан ҳайратга тушасиз”.

Уста Очил ўз уй-фикрларини уйга қиёс қилади, бу бинонинг йўлаги — сўз, эшиги — эзулик, фаҳм-фаросат — дераза пардаси, ақл гавҳари — беркилган

панжара. Шу сабабли шоир ташбехлари ҳам дераза пардаси, ёпиқ панжаралар ортидан илғанади. Бунинг учун ўқувчи қор-ёғирда янгианг лиёр рўмолининг сувини сиқиб, эгнига шодлик кийиб олишини тасаввур эта билиши керак. Кун тунги гамларини тонг япроқларига яширганидан қўзлари қачнаб кетишини пайқашдек лид соҳиби бўлиши даркор.

Ижодкор ўқувчиларини дунё гўзаллигини ҳам, ҳаёт муаммоларини ҳам биргалда гидрок этишга — қўлга китоб олишга зимдан даъват этади.

Уста Очил Ҳазрат тафаккурита кўра, шоир

Боқий сўзлар

Душманга нафрати бўлмаганининг Ватанга муҳаббати бўлмас.

Эрингни гул орасидан изла, Эркингни — эл орасидан.

Айрилмагин элингдан, Қувват кетар белингдан.

Ватан ҳақида мақоллар

Эл бор бўлса, эр хор бўлмас, Эр бор бўлса, эл хор бўлмас.

Элга қўшияганининг кўнгли тўқ, Элдан ажралганининг бети йўқ.

5. — Ҳикоятнинг кўнглини ёриштириб юборди, — деди дастурхонга фотиҳа ўқилиши олдида Ҳакимжон.

6. Яна бир ибратли мисол. Институтда бирга ўқиб, оила қурган турмуш ўртоғи автомобиль фалокатидан

7. Жўра САДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

